



БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЎНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАР

Курбанов Элёр Эрмаатович

Гулистон давлат университети

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i03-p1-03>

ARTICLE INFO

Received: 25th February 2023

Accepted: 02nd March 2023

Online: 03rd March 2023

KEY WORDS

Таълим, кадр, билим, малака, кўникма, жисмоний тарбия, спорт, педагог ходим, касбий компетентлик, таълимдаги ислохотлар, малака ошириш тизими, илғор педагогик технологиялар.

ABSTRACT

Мақола мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг урни ҳамда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш муаммолари ҳақида.

КИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонида “...узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” каби жуда жиддий вазифалар белгилаб берилган. Бу соҳада қилиниши лозим бўлган қатор вазифалар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Мазкур фармон таълим тизими раҳбарлари олдида кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўяди [1]

Дуне микёсида ракобатбардош педагог кадрларни тайёрлашда таълим ва тарбиянинг узаро боғликлиги ва узвийлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий компетентликни такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик имкониятларини кенгайтириш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. АКШ, Англия, Германия, Япония, Франция, Россия каби давлатларда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий компетентлигини таъминлаш билан бир каторда юксак маънавий-ахлоқий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш долзарб ахамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида касбий педагогик фаолиятни такомиллаштириш мазмунида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш, унинг диагностик тизимини амалга



ошириш, талабаларда маънавий-ахлокий сифатлар уйғунлигини таъминлаш буйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг бой миллий маданий ва тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда таълимни инсонпарварлаштиришнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарблик касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Ўзбекистон Республикаси “**Таълим тўғрисида**”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади [2]

Мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлокий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг урни ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш муаммолари А.Абдукодиров, А.Атоев, Х.Абдукаримов, Ш.Абдуллаева, М.О.Ашуров, А.Бекмуродов, Р.Жураев, Х.Ибрагимов, ЖТ.Йулдошев, О.Мусурмонова, С.Нишонова, М.Носиров, Ш.Олимов, Н.Ортиков, А.Пардаев, Б.Рахимов, Д.Рузиева, З.Солиева, Н.Саидахмедов, У.Толипов, С.А.Усмонов, М.Курунов, Ш.Курбонов, Н.Эгамбердиева, Ж.Хдсанбоев, О.Хдсанбоева, М.Хакимова кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

МДХ давлатларида А.В.Петровский, А.В.Фахрутдинова, А.И.Герцен, А.К.Биков, А.Н.Леонтьев, А.Я.Данилюк, Б.Т.Лихань, В.А.Сластенин, В.П.Беспалько, В.П. Пугачев, Г.А.Ромм, Г.Ю.Беляев, Д.В.Ольшанский, Е.В.Дьяченко, Е.П.Ильин, Е.Н.Шиянов, И.В.Усольцева, И.З.Гликман, И.Ф.Исаев, Л.А.Терехина, Л.Е.Никитина, Л.И.Гриценко, М.А.Мефодьева, Н.И.Приходько, Н.П.Огарев, Н.С.Глуханюк ва бошқ. томонидан баркамол авлод тарбиясининг устувор йуналишлари, комил инсонни шакллантириш хусусиятлари, тарбия назарияси ва амалиёти муаммолари урганган.

Жахон олий таълим тизимида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини маънавий- ахлокий тайёргарлаш масалалари Jean Piaget, Belezza,S.W. Cadran, A.Jeckon, Beckerman, Winston, Nicholson, Jeff Halstead, Tetsuo Isozaki Hiroshima каби олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Республикамизда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини маънавий-ахлокий тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг моддий-техник базаси ҳамда назарий-методологик асослари буйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди. Педагогик технологиялар татбики миллий тарбия мазмунига мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлокий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жихатдан янги босқичга кутариш чора-тадбирлари” тўғрисида ПК-3907-сон, 2019 йил 3 апрелдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш буйича қушимча чора-тадбирлар” туғрисидаги ПК-4307-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 мартда “Ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, саънат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш



қуникмаларини сингдириш, ёшлар уртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалалари”га бағишланган видеоселектор йигалишида илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йулга қуйиш буйича бешта муҳим ташаббус, шунингдек, соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Жисмоний тарбиянинг таркибий қисми бўлган спорт ва унинг барча жиҳатлари ғалабага интилишни, юқори натижаларга эришишни тарбиялайди, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини сафарбар қилишга қўмақлашади, фуқаролар ижодий умрини узайтиради ва саломатлигини мустаҳкамлайди, буларнинг барчаси ошиб бораётган рақобат маромида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли кенг оммасининг жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинганлиги, шунингдек халқаро спорт мусобақаларидаги муваффақиятлар ҳар қандай мамлакатнинг яшовчанлиги ва маънавий кучидан далолат беради. Малака оширишда жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнини ташкилий-методологик таъминлаш ҳамда бу жараёни аниқ педагогик технологиялар билан таъминлаш моделини амалга оширилгандан сўнг, халқ таълими тизимида жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий компетенцияларининг ривожланиш даражасини аниқлаш ва диагностика қилиш зарурати юзага келди.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари малаксини ошириш тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак, булар:

- ўқитувчининг эркин, кўп векторли, шахсга йўналтирилган ва касбий ўсишига шароитлар яратиш;
- малака оширишнинг умумий мазмунли векторининг биринчи навбатда таълимни модернизациялашнинг асосий текширилган йўналишларга қаратилганлиги;
- ўқитувчилар тажрибасини (шу жумладан малакасини оширувчи) актуаллаштирилиши ва кўп жиҳатли диссеминацияси;
- ўқитувчи томонидан ўз малакасини доимий ва объектив равишда баҳоланиши учун шароит яратиш;
- малака оширишга ижодий, индивидуал ёндашувни таъминлаш омиллари сифатидаги интерфаоллик, модуллик, лойиҳавийлик, дистантлик ва узлуксизликни амалга ошириш.

Ўқитувчи илғор усулларни эгаллаши ҳамда уни ўз фаолиятида қўллаш йўлларини излаб педагогика, психология ва таълим методикасининг ютуқларига мурожаат қилади. Ижодий ишлайдиган педагог ўзгалар тажрибасини таҳлилсиз, тўғридан - тўғри қабул қилмай, ўз тажрибаси билан таққослаб, кейин унинг илғор томонларини қабул қилади. Педагогик касбининг ўзига хос хусусияти тўғрисида гапирар эканмиз, унинг моҳияти, асосан билим, касб-ҳунар ўргатиш эканлигини, шунга кўра, унинг ўзи доимо ўқиши шартлигини алоҳида такрорлаш лозим. Ўқитувчи касбининг мана шу хусусияти, унинг муттасил равишда ўз устида ишлашини, мустақил билим олишини тақозо қилади. Унинг фаолияти муваффақиятли бўлишининг гарови-узлуксиз равишда ўз устида ишлашдир. Жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамкасблари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ижодий ўрганиши, амалиётида қўллай олиши ва дарслик ва методик



журнал ва адабиётларни мустақил мутолаази орқали узлуксиз билим, кўникма ва малакасини ошириб бориши таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг педагогик ахлоқи, педагогик мулоқот ахлоқи-эстетикаси хилма-хил режали топшириқларда, ўз билимларидан максимал тарзда фойдаланган ҳолда ниҳоятда фаол иштирок этади.

Шундай тарзда, аста-секин, босқичма-босқич тарзда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий маданиятнинг педагогик мулоқот сингари муҳим соҳаси бўйича зарурий назарий-амалий билим, тажриба ва амалиётга эга бўлдилар. Талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив даражадаги жамоатчилик билан мулоқоти, шу жумладан, педагогик контекстда, кузатилди.

ХУЛОСА

Кузатишларимиз натижасида шу нарса аён бўлдики, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида касбий мулоқотни шакллантириш жараёни методологик-педагогик ёндашув, маълум педагогик тизимдаги тегишли педагогик назария, амалий тадқиқот методларининг комплекси, зарурий назарий-педагогик ва аниқ-предметли билимлар тизимини талаб қилди. Спортчи нафақат жисмоний мукаммалик, балки у шахс сифатида унинг ахлоқий тамойиллари ва эстетик фазилатларини ҳам ифодалайди.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Таълим тўғрисида” (янги таҳрири). 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2018 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 658-сон қарори.
4. Олимов Ш.Ш., Ахметжанов М.М. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг айрим йўллари. “Развитие науки и технологий” Научно-технический журнал. 2016 йил №4, 118-бет.
5. Абидов Б.К. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи / “Замонавий таълим” журнали, 2014 йил №9, 58-бет.